

ИТЛАРДА ЙИРИНГЛИ ОТИТНИ МАҲАЛЛИЙ ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ

Рўзметов Абдорбек Алишер ўғли,

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Тошкент филиали 4-курс талабаси*

Имомалиев Диёрбек Раимжон ўғли,

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети Тошкент филиали 3-курс талабаси*

Аннотация: Итларнинг кулоқ касалликларини клиник белгиларига қараб диагноз қўйиш ҳамда касалликнинг келиб чиқиш сабабларига кўра, маҳаллий оғриқсизлантириш йўли билан итларни даволаш.

Калит сўзлар: новокаин, отит, отипакс, гидрокартизон, аминазин, кетамин, адреналин, ўткир, йирингли, сурункали, спанел, ротвеллер, гентамисин, яллиғланиш, экссудация, ёнғоқ барги, бактерисид.

Мавзунинг долзарблиги: Итлар халқ хўжалиги объектларини ва шу жумладан чегарани кўриқлашда иштирок этадилар. хизмат итлари эса ички ишлар ва чегара пост бундан ташқари божхона ходимларига жуда катта ёрдам берадилар. Чўл ва тоғ чорвачилигида қўлланиладиган чўпон итлари қўй отарларини йиртқич ҳайвонлардан ҳимоя қилади, ҳайвонларни боқишда ва жойдан-жойга кўчирганда ёрдам беради ва шу иши билан чўпонларга сезиларли даражада кўмаклашади. Итлар геолог, ғаввос, алоқачи, ногирон, санитар ва қутқарувчиларнинг буйруқларини бажаради. Итлар халқ хўжалигида ишлатилиши билан биргаликда цирк, декоратив ва ҳаваскорлик ҳамда илмий изланишлар каби бошқа йўналишларда ҳам қўлланилиб келинмоқда. Лекин итлар орасида ҳар хил касалликлар, шу жумладан эшитиш органи –кулоқ касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликлар кўп ҳолларда сурункали кечади. яъни узоқ вақт ва шу билан бирга даволаниши ҳам анча қийин бўлиб ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Итларда кулоқ касалликлари барча касалликларнинг 20 % ини ташкил қилади. Итларда асосан ташқи ва ўрта кулоқ отитлари учрайди.

Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари: Отитларнинг келиб чиқиш сабабларига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: бактериялар (стафилококк, стрептококк) улардан, айниқса тилла стафилококк ва замбуруғлар асосий қўзғатувчи ҳисобланади. Отит билан касалланиш итнинг зотига ҳам боғлиқ, кўпгина ҳолларда Шарқий-Европа овчаркаси, кокер, пуделларда кўпроқ учрайди. Айниқса бу касаллик шалпанқулоқ итларда кўпроқ учрайди. Чунки кулоқнинг вентилицияси бўлмаганлиги учун патоген микрофлора тез ривожланади. Отит касаллиги насл суриши ҳам мумкин. Агар итнинг яқин уруғида отит учраган бўлса, бу муаммо унда ҳам бўлиши мумкин. Кўпгина ит болаларига тилла стафилококк онасидан юқади. Агар организм заифлашса уйқуда ётган инфекция ривожланиши мумкин. Даволаш фақат мутахассис ветеринария

врачи томонидан амалга оширилиши керак. Врач тўғри ташхис қўйгандан кейин даволаш яхши натижа беради, бўлмаса касаллик сурункали даврга ўтиб кўп йиллар давом этиши мумкин. Ташхис қўйишда клиник, микробиологик ва паразитологик усуллардан фойдаланиш мумкин.



Клиник белгилари: Ташқи ва ўрта кулоқларнинг йирингли яллиғланишида ҳайвонларда қуйидаги клиник белгилар кузатилади: итлар кучли безовталанади, бошини систематик равишда қимирлатиб туради. Пальпация қилганда маҳаллий ҳарорат ва оғриқ сезиларли. Кулоқдан ҳидли йирингли экссудат оқиб туради. Ҳайвоннинг иштаҳаси пасайган, умумий ҳолати сусайган бўлади.

Даволаш: Йирингли отит билан касалланган итларни консерватив усул билан даволашда қуйидаги даволаш ишлари олиб борилади: ташқи ва ўрта кулоқ 3 % ли водород пероксида билан ювилиб, диоксидин, гидрокартизон, адреналин аралашмасидан 2-3 томчидан кунига 2 маҳал томизилади. Йирингли отитларда кулоқ ичига 20 % ли прополис билан тампон қўйилади, бир кунда 1 марта. Йирингли отитларни даволашда ёнғоқ барги эзиб чиқариб, шарбатини кулоққа 3-5 томчи томизиб туриш керак.

Йирингли отитлар вақтида ва даволаш давомида тўғри даволанмаса, яллиғланиш жараёни сурункали босқичга ўтади. Бундай ҳолатларда итларда қуйидаги клиник белгилар сезилади: кулоқдан ҳар доим ҳидли йирингли экссудат оқиб туради, бу ҳайвонга безовталиқ олиб келади, йиринг эшитиш йўлларида тўпланиб қолади. Итнинг безовталаниши натижасида иштаҳаси пасаяди, тинмасдан бошини силкитиб туради. Бундай ҳолларда даволаш асосан хирургик йўл билан олиб борилади. Операция қилишдан мақсад, эшитиш йўлларида кўп миқдорда тўпланиб қолдиган йирингли экссудатнинг ташқи муҳитга эркин чиқиб кетишини таъминлашдир.



Операция сурункали йирингли отитлар билан касалланган итларда олиб борилади.

Оғриқсизлантириш: Маҳаллий инфилтрацион 0,5 % ли новокаин эритмаси билан оғриқсизлантирилади, нейролепаналгезия 2,5 % ли аминазин 1 мл 10 кг тирик вазнига, кетамин (колипсол) 0,5 мл 10 кг тирик вазнига вена қон томирига юборилади.

Керакли асбоблар: Ҳар доим ишлатиладиган асбоблардан ташқари кўз қайчиси, скальпель ишлатилади.

Фиксация: Ит ёнбошга ётган ҳолатда фиксация қилинади.

Техникаси: Бу операция икки хил усулда олиб борилади:

1. Эшитиш каналида оқма тешиқ ҳосил қилиш;
2. Эшитиш каналини тўлиқча очиш.

Биринчи усулда эшитиш каналининг пастки қисмида тери айлана шаклида кесилади ва кесим эшитиш каналининг тоғайигача кесиб борилади. Тоғайнинг девори ҳам айлана шаклида кесилади, қон оқиш тўхтатилгандан кейин терига узлукли чок қўйилади. жароҳат битгандан кейин шу жойда оқма ҳосил бўлади ва ундан тўхтовсиз қулоқдаги экссудат эркин чиқиб кетади. Бундай ҳолатда сурункали отитнинг соғайиши тезлашади. Бу усулни асосан хизмат итларида бажариш тавсия қилинади, чунки бунда теридаги нуқсонни соғайгандан кейин тез йўқотиш мумкин.

Иккинчи усулда эшитиш каналининг ташқи томонидан пастга қаратиб тери бурчак шаклида кесилади. Қон оқиш тўхтатилгандан кейин худди шундай шаклда тоғай қисми

кесилади. Шундан сўнг ташқи ва ички тери қаватлари бир-бирига узлукли чок билан бирлаштирилади. Жароҳат битгандан кейин ўрта кулоқда тўпланган йирингли экссудатнинг бемалол ташқи муҳитга чиқиб кетиш имконияти туғилади. Бу эса сурункали йирингли отитни тезроқ соғайишига имконият яратади. Чунки итларда йирингли экссудат патологик жараёндан тўхтовсиз ташқи муҳитга қанчалик кўп чиқиб кетса, шунча унинг соғайиши тезлашади.

Хулоса: Итлар орасида ҳар хил касалликлар, шу жумладан эшитиш органи –кулоқ касалликлари кенг тарқалган. Бу касалликлар кўп ҳолларда сурункали кечади, яъни узок вақт ва шу билан бирга даволаниши ҳам анча қийин бўлиб ва ветеринария врачларига ташвиш келтиради. Кулоқ касалликларидан отитлар кўп ҳолларда консерватив усул билан даволанади, лекин йирингли отитларда экссудатнинг чиқиши қийинлашганлиги учун кўп ҳолларда жараён ички кулоққа ўтиб, ҳайвонни анча қийин аҳволга солиб қўяди. Итларда маҳаллий оғриқсизлантириш йўли орқали йирингли отитни даволаш.

Адабиётлар:

1. Нарзиев Б.Д. Ит жаррохлик касалликларининг назарий ва амалий асослари
2. Саямова В.Х. Отит у собак. Домашний ветеринарный справочник для владельцев собак. М. 2008
3. Юлдашева М.К., Нарзиев Б.Д. (2021) Йирингли жароҳатларни хирургик усулларда даволаш
4. Белов А.Д., Плахотин М.В. ва бошқ. Общая ветеринарная хирургия.